



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 83 (8823).

23 апрель, 1986 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

КПСС делегацияси Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси 22 апрель куни Берлиндан Москвага қайтиб келди. Делегация ГВСП Марказий Комитетининг таклифига биноан Германия Бирлашган социалистик партияси XI съезди ишида қатнашди.


Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий

Комитети Сийсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воробьев, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рыжков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолари кандидатлар П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Н. В. Талзин, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари А. П. Ви-

рюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зиянин, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитонов, бошқа ўртоқлар қутиб олдилар.

Қутиб олувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили З. Кернер бор эди.

(ТАСС).



В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Ленин таълимоти ва иши миллионларнинг революцион иқидиётида муҳасамалашмоқда. Халқ оmmasининг йўлбошчиси — Владимир Ильичнинг номи бутун инсоният бахт-саодати йўлидаги курашнинг зафарли байроғи бўлиб қолди. Маркс ва Энгельс ишнинг гениал давомчиси ишчилар ҳаракатини социалистик революция ва социалистик қурилиш назарияси билан, уруш ва тинчлик проблемаларига илмий қарашлар системаси билан қуроллантирди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлат бунёдкори В. И. Ленин асарларидан Ер юзи халқлари ҳозирги замоннинг туб масалаларига жавоб топтоқдалар.

КПСС фаолияти дохйи васиятларига садоқат руҳи билан сўғорилган. Совет ишчилари партия XXVII съездининг қарорларини амалга ошира бориб, В. И. Лениннинг ўлмас асарларидан куч ва илҳом олмақдалар. КПСС Программасида таъкидлан-

ганидек, тарихий ривожланишнинг янги босқичида партиямиз, совет халқи олдида социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштириш, унинг имкониятлари ва афзалликларидан коммунизм сари янада олға силжиш мақсадлари йўлида тобора тўлиқ ва самарали фойдаланиш вазиаси кун тартибига қўйилди.

Совет кишилари В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигини мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун кураш авж олиб кетган бир вазиятда қутиб олдилар. 22 апрель куни Кремлнинг Съездлар саройида шонли санага бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Москва шаҳри ва областидagi ишлаб чиқариш илгорлари, КПСС ветеранлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуроли Кучларининг жангчилари шу ерга йиғилдилар. Ажнабий дипломатлар, чет эллик меҳмонлар ҳам ҳозир бўлишди.

Соат 17. Тантанали мажлис қатнашчилари М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воробьев, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рыжков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Б. Н. Ельцин, С. Л. Соколов, Н. В. Талзин, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, М. В. Зиянин, В. А. Медведев, В. П. Никонов, Г. П. Разумовский, А. Н. Яковлев ўртоқларни, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси И. В. Капитоновни қарсақлар билан табриклаб қутиб олдилар.

Афғонистон Халқ Демократик партияси Сийсий бюросининг аъзоси, Афғонистон Демократик Республикаси Министрлар Советининг Раиси С. А. Кештмайд ҳам президиумдан жўй оладди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетларининг секретарлари, Ленин партияси-

нинг ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий ботиқлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам шу ерда.

Тантанали мажлиснинг КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин оқди.

Кремлнинг Съездлар саройи гўмбазлари остида Совет Иттифоқи Гимни тантанавор янграйди.

КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе «Жадаллаштириш стратегияси — амалдаги ленинизм» мавзунда доклад қилди.

Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва бир неча марта давомли қарсақлар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан турли заъ-шавқ билан «Интернационал»ни қўйлайдилар. Сўнгра катта байрам концерти бўлди.

(ТАСС).

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

БЕРЛИН. 21 апрель. (ТАСС махсус мухбирлари). Берлинлик ишчилар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевни, КПСС делегациясининг аъзоларини энг яқин дўстлар сифатида хушнудлик билан самимий қутиб олдилар. Улар бугун 7 Октябрь номидаги станоксозлик комбинатининг бош корхонасига келдилар.

ГВСП Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Берлин округ партия комитетининг биринчи секретари Г. Шабовский КПСС делегациясини табриклади, Совет Иттифоқидан келган азиз меҳмонларга гуллар тақдим этилди. Қизил байроқчалар ва транспарантларни кўтариб олган ишчилар: «Дўстлик! Фройндшафт!» деб хитоб қилдилар.

Комбинат бош директори Х. Варцеха корхонанинг ривожланиш йўллари, келгусига мўлжалланган режалар тўғрисида гапириб берди.

М. С. Горбачев ва у билан бирга келган ўртоқлар корхона цехларини айланиб, кўпнинг кишилиқ, коллективнинг иши билан танишдилар.

Корхона, цехларининг бирида оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингга сўзга чиққан ишчи У. Лахенмайер ва ёшлар тақдирот коллективининг раҳбари Т. Миттерер ГВСП XI съезди шарафига ўз коллективлари зиммасига олган юксак мажбуриятлар қандай бажарилаётганини тўғрисида, шунингдек келгусига мўлжалланган режалар ҳақида гапириб бердилар. Буюртмаларни сифатли қилиб бажариш ҳар бир ишчининг шон-шарафли ишидир, деб таъкидлашди улар. Улар бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилиб, СССР билан ГДР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшаверамиз, деб ваъда бердилар.

Митингга М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Сизларни табриклайман, азиз ўртоқлар!

ГВСПнинг XI съезди ишида қатнашган делегациямиз Германия Демократик Республикасининг етакчи станоксозлик корхоналаридан бири — 7 Октябрь номи завод коллективи ҳузурда меҳмон бўлиши бизга зўр мамнунилик бахш этмоқда.

Сизларга ва сизлар орқали республика ишчиларига, барча меҳнаткашларига совет ишчилар сифидан, бутун халқимиздан қардошлик саломини топишраман ва ривожланган социалистик жамият қуришдаги янгида янги муваффақиятлар тилайман.

Партиянгизнинг XI съезди турмушининг ҳамма соҳаларда эришилган жозибдор якунларини чиқармоқда. ГВСП Марказий Комитети номидан ўртоқ Эрих Хонекер съездда қилган Ҳисобот докладада, делегатларнинг

чилар ва инженерлар билан бўлган суҳбатлардан билиб олдик.

Бизнинг умумий таассуротимиз яхши. Корхонада меҳнат аниқ маромда ҳақиқат жараёнларини модернизациялашга кўп эътибор берилганлиги сезилиб турибди. Шу туфайли маҳсулотнинг сифати, жумладан Совет Иттифоқига юберилаётган станокларнинг ҳам сифати юқори бўлмоқда.

Бизнинг буюртмаларимизни виждонан бажариб бераётганлиги учун коллективингизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ўртоқлар, партия XI съезди шарафига ўтказилган социалистик муносабатдаги улкан ютуқлар учун ГВСП Марказий Комитетининг Фахрий байроғи берилганлиги билан сизларни чин қўнгилдан табриклайман!

Бу ердаги митингга сўзга чиқарганаман, аввало мамлакатимизнинг ҳозирги ҳаёти, совет ишчиларининг фидоийлари ҳақида гапириб бермоқчиман. Яқинда мен Волга бўйидаги бир қанча шаҳарларнинг корхоналарида бўлдим. Қўлдан кўп учрашув ва суҳбатлардан чиқарган энг муҳим хулосам шун бўлдики, меҳнаткашлар КПСС XXVII съездининг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўлини ўзларининг жонажон ийи деб қабул этганлигига ишонч ҳосил қилдим. Одамларимиз янгичасига ишлаш лозимлигини тушуниб турибдилар, янгичасига ишлашни хоҳлайдилар, қайта қуришдан чўчимайдилар.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Корхоналаримиз ўнлаш хисобига ўтказилган шароитда, уларнинг мустақил омиқдорлик қилиш учун кенг майдон очилган пайтда меҳнат коллективларининг роли ҳам кескин ортади. Бунинг маъноси шунки, ишчи ўзининг бевосита топишригини билиши ва икром этиши камлик қилади. Иқтисодий билимларини ҳам етказиб олиш, бошқарув жинловларини дадил қўлга олиш керак бўлади.

Ҳозир биз киришган иш зўр куч-ғайрат билан ишлашни талаб қилади. Бу ишнинг муваффақияти ишонимиз қомил. Тарих неча марта лаб совет ишчилар

қилади. Мен Волжск автозаводининг коллективини билан учрашувда: ўртоқлар, автомобил модасининг пешволари билан бир қаторга чиқиб олишга интилангиз бўлмайми?

— деб сўрадим.

Ҳозир биз айрим соҳалардагина эмас, балки, татбир жонз бўлса, бутун жаҳон бўйлаб фан-техника тараққиётининг олдинги марраларига чиқиб олиш учун зарур бўлган ҳамма нарсаларга эгамиз, бу вазиға жаҳонда жиддий ендашляимиз, проблемаларнинг бутун комплексини чуқур ўйлашмиз.

Партия масалани шу тарафда қўймоқда: ҳар бир киши ўз иш жойида бутун кучи, билими ва маҳоратини сарфлаб меҳнат қилиши, имкони борича иқтисод қилиш ва текамкорлик намунасини кўрсатиши керак. Бу вазиға раҳбарларнинггина эмас, барча меҳнаткашларнинг ҳам психологиясини қайта қуриши, консерватизм ва қолоқликдан воз кечиши, ижодкорлигини, изланишини, проблемаларга новаторларча ендашляини қўлаб иш тутишини талаб қилади.

Масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Корхоналаримиз ўнлаш хисобига ўтказилган шароитда, уларнинг мустақил омиқдорлик қилиш учун кенг майдон очилган пайтда меҳнат коллективларининг роли ҳам кескин ортади. Бунинг маъноси шунки, ишчи ўзининг бевосита топишригини билиши ва икром этиши камлик қилади. Иқтисодий билимларини ҳам етказиб олиш, бошқарув жинловларини дадил қўлга олиш керак бўлади.

Ҳозир биз киришган иш зўр куч-ғайрат билан ишлашни талаб қилади. Бу ишнинг муваффақияти ишонимиз қомил. Тарих неча марта лаб совет ишчилар

(Давоми иккинчи бетда).

ЖАДАЛЛАШТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ — АМАЛДАГИ ЛЕНИНИЗМ

В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллигига бағишланган
тантанали мажлисда ўртоқ Э. А. ШЕВАРДНАДЗЕ доклади

Ўртоқлар! Владимир Ильич Ленин туғилган кунда унинг шахсиға, фаолияти ва меросига нисбатан ўз муносабатининг қандайдиги алоҳида таразда изҳор этилиши истасан, киши. Бироқ Лениннинг ҳаётининг ҳеч қандай сўзлар билан қамраб олиб бўлмайди. Бинобарин, ҳис-туйғумизин изҳор этишининг энг яхши усули — ишларимиз ва ҳаёт-ҳаракатларимиз билан унинг намунасига, унинг васиятларига содиқ бўлиб қолишдир. Ҳар бир чинакам ленинчи учун бирдан бир мезон ана шундай.

Хотира зинапоилари — ҳайкал зинапоилари эмас. Хотира зинапоилари Ленин тафаккури ҳозирги замонага мос тарада иқидий қўлла-нилганида истиқбол сари олиб боради. Биз олға томон ҳаракат қила бориб, Ленин

гояларининг доимий ўзармас кучини тобора чуқурроқ англаймиз.

Бу кучни Ленинга унинг Ватани — Россия, халқ исёнчилари ва декабристлар, Ломоносов ва Радищев, Пушкин ва Гоголь, Чернышевский ва Герцен, Достоевский ва Толстой Россияси, народволеҷлар ва биринчи марксисстлар Россияси берди. Фавқуллодда қобилият ва талант эгаси Ленинни Россия пролетариатининг, революционерлар барча авлодларининг ҳаёти ва кураши, уларнинг халқ бахт-саодати йўлидаги шижоати юзага келтирди. Аммо чинакам рус даҳоси бўлган Ленин жаҳон тафаккурининг гоят катта қатламларини қайта ишлаб Маркс ва Энгельс таълимотини иқидий ривожлантирди, жаҳон халқлари ва миллатлари барча меҳнаткашлар-

нинг эътирофи этилган йўлбошчиси бўлиб қолди.

У ташкил этган большевиклар партиясининг бутун фаолияти иқидий ривожланиш қонуниларини чуқур билишга ва улардан амалий тарада фойдаланишга асосланади. Бу партия халқ оmmasини фидокорона революцион курашга олатирибди ва уни Улғу Октябрь галабасига олиб келди.

Ҳозир Ленин ишчини давом эттириш биз учун кундалик ишимизда, барча зафарларимизда ленинизм руҳининг ўзига муттасил амал қилишини билдиради. Мамлакат ишларига ҳозир рўй бераётган ўзгаришлар воқеалики ленинча анализ қилиш методологиясидан, дунё учун гоят маъсулиятли бир пайтда уни новаторларча қўлланишдан ажралмасдир. Партия янги тарихий шароитда Ле-

нин билан маслаҳатланиб, ундан ҳозирги замоннинг ниҳоятда мураккаб саволларига аниқ-равшан жавоблар топтоқда.

Революцион давр тонгтариди бўлгани каби, биз учун ўртага қўйилган мақсадлар сари йўлни Ленин назарияси ўқитиб турибди; тўғри йўлни ётказишда бизга ленинча сиеат ердан бермоқда; Ильичнинг ниҳоятда соф ва тўлақонли ҳаёти маънавий жиҳатдан ўрнатқ бўлмоқда.

Бизнинг тантанали мажлисимиз шунчаки бир одатни бажо келтириш эмас, балки ўз ичимизни Ленинга қиёслаб олишдек чуқур маънавий аҳтиёждир. Партия ва халқ Ленин туғилган кунни ғайрат-шижоати янада жўй урган бир вазиятда нишонлайдиларки, бунда сўз билан иш чамбарчас боғланган.

Партия XXVII съезди йўлидан — Ленин йўлидан

Ўртоқлар! Биз Ленинга бағишланган ҳозирги тантаналар билан партия XXVII съезди ўртасидagi мустаҳкам ички ўзаро алоқани ҳис этмоқдамиз. Съезд ленинча анъаналарининг энг яхши да-

воми бўлиб қолди. Владимир Ильич меросига ҳар жиҳатдан содиқликни намойиш этди. Давла, революцион ва анъаналарининг кенг қўламада ўртага қўйилганлиги ва уларни амалда ҳал этишининг но-

ваторларча стратегияси ана шу жиҳатларининг энг асосийларидир. Съездда большевикларча принципаллик ва ҳақиқат муҳити ҳукм сурганлиги ҳам унинг муҳим

жиҳати бўлди. Шу туфайли съезд ўзининг бутун моҳияти билан энг ўткир иқидий талаб-аҳтиёжларга жавоб берди.

(Давоми иккинчи бетда).

АСРЛАР ОША ХАЛҚ ХОТИРАСИДА

Совет кишилари, бутун тараққиёларвар инсониятнинг Коммунистик партия ва Совет давлати асосчиси, бутун дунё пролетариатининг доҳиси, ўз таълимоти билан порлоқ истиқболни, одамларнинг озодлик ва бахт-саодат йўлини кўрсатиб берган Владимир Ильич Ленинга бўлган меҳр-муҳаббати ўчмасдир.

Топшкентда, 22 апрель куни Ильич туғилган куннинг 116 йиллиги кунда шаҳарнинг ҳамма томонларидан одамлар Парадлар жиҳобига келдилар. Улар энг инсоний инсон хотирасини ҳур-

мат билан эсладилар. Тантанали оҳанглар янграйди. В. И. Лениннинг улугвор ҳайкали пойнта баҳор гуллари қўйилди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг Ҳарбий кеңашиди, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети, партия, уруш ва

меҳнат ветеранлари, завод ва фабрикалар, ташкилотлар, муассасалар ва ўқув юртларининг кўпдан кўп коллективлари номидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш маросимига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар И. Б. Усмонов, Р. Х. Абдуллаев, В. П. Анишев, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Г. Х. Қодиров, В. Н. Лобко, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Х. Алимова, И. Х. Нўрабеков, В. К. Михайлов, Б. Ф. Сатин,

В. А. Хайдуков, СССР медаллари ва сув ҳўжалиги мийистри Н. Ф. Васильев, КПСС Марказий Комитети Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими мудирининг ўринбосари С. В. Засухин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. З. Захриддинов, И. А. Каримов, Қ. Х. Маҳмадалиев, В. И. Огаров, С. У. Султонова ҳозир бўдилар.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ИНДУСТРИЯСИНИНГ ОДИМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИДА 1986 ЙИЛ I КВАРТАЛ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

I кварталда саноат ишида ижобий яқунларга эришилди. Маҳсулотнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,2 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 6,1 процент ошди. Ишлаб чиқаришни ўстиришнинг 76 процентига шу йўл билан эришилди. Ўнг муҳим турдаги маҳсулотларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқлар ошириб бажарилди.

Маҳсулот реализация қилиш квартал плани 103,4 процент бажарилди. Қорақалпоғистон АССР, ҳамма областлар ва Тошкент шаҳри планини ошириб бажарди.

Министрликлар бўйича саноат маҳсулотини реализация қилиш ҳажми юзасидан белгиланган планини бажарилиши, ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш натижалари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагича:

маҳсулот реализация қилиш I квартал планининг бажарилиш проценти	1986 йил I кварталда	1985 йил I кварталда	нисбатан процент ҳисобида
ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги		

Умумий маҳсулот ва идоралари	102	100,3	100,3
Нефть саноати министри	112	127	122
Газ саноати министри	103	117	116
Химия саноати министри	104	137	126
Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министри	100,4	109	106
Электр техника саноати министри	104	106	108
Химия ва нефть машина-созлиги министри	101	110	111
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри	100,5	101	102
Автомобиль савоати министри	103	107	105
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министри	102	104	103
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министри	96	111	106
Медицина ва микробиология саноати министри	105	112	112
Иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари	100,6	104	102
СССР Қора металлургия министри	102	98	99
СССР Рангли металлургия министри	115	101	98
СССР Нефтьни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министри	100,8	104	102
СССР Қўмир саноати министри	100,9	105	109
Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министри	100,9	107	105
Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министри	106	108	106
Ўзбекистон ССР Ёнгил саноат министри	100,1	107	105
Ўзбекистон ССР Агропрокат давлат комитети	111	104	106

Саноат бирлашмалари ва корхоналарнинг ўндан бир қисми хўжалик юртишнинг янги шартларида ишламоқда, улар маҳсулот жами ҳажмининг ярмига яқинини ишлаб чиқармоқда. Шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиш даражаси ўтган йилнинг шу дав-

рига нисбатан кўпчилиги министрликлар бўйича ошди. Қорақалпоғистон АССР, барча областлар ва Тошкент шаҳрининг саноати янада ривож топди. Маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши ва ўсиш суръатларига доир кўрсаткичлар қуйидагича:

маҳсулот реализация қилиш I квартал планининг бажарилиш проценти	1986 йил I кварталда	1985 йил I кварталда	нисбатан процент ҳисобида
ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги		

Қорақалпоғистон АССР	103	106	100,9
Андижон области	103	104	96
Бухоро области	100,3	110	111
Жиззах области	103	116	114
Қашқадарь области	106	118	115
Навоий области	102	108	103
Наманган области	103	106	102
Самарқанд области	103	105	104
Сурхондарь области	111	116	114
Сирдарё области	106	106	107
Тошкент области	102	106	106
Фарғона области	104	110	108
Хоразм области	111	110	106
Тошкент шаҳри	102	107	105

Саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича:

1986 йилнинг I кварталда ишлаб чиқарилди	1985 йилнинг I кварталда	нисбатан процент ҳисобида
--	--------------------------	---------------------------

Электр энергия, миллиард киловатт-соат	14,1	106
Минерал ўғитлар (тўғилма моддалари 100 процента айлан-тириб ҳисобланган), минг тонна	445,8	124
Олтингурут кислотаси, минг тонна	593,5	124
Химиявий тоғлар ва иплар, минг тонна	10,7	110
Куч трансформаторлари, минг киловатт-ампер	2007	104
Бронеканал, минг километр	5,3	104
Компрессорлар, минг дона	2,9	99
Тракторлар, минг дона	6,7	102
Трактор селлакалари, минг дона	2,1	106
Трактор қўлтиқаторлари, минг дона	5,7	102
Пахта териш машиналари, минг дона	2,3	96
Осма электр кранлар (маҳсус кранлар ҳам шу жумлага кирди), дона	366	100,8
Экскаваторлар, дона	388	96
Картон, минг тонна	13,5	101
Йиғма темир-бетон конструкциялар ва буюмлар, миллион куб метр	1,5	104
Шифер, миллион шартли плита	107	103
Импортбон гипс, миллион дона	468	107
Пахта толеси, минг тонна	553,3	108
Хом ипак, тонна	508	102

Қаноп толеси, минг тонна	3,2	84
Ип газлама, миллион квадрат метр	95,0	107
Шойи газлама, миллион квадрат метр	34,1	94
Нотўқима материаллар, миллион квадрат метр	32,9	116
Пайпоқ, миллион жуфт	18,1	125
Ўткич трикотаж, миллион дона	12,2	126
Ўткич трикотаж, миллион дона	5,3	105
Пойабзал, миллион жуфт	9,0	103
Чинни-фаянс идишлар, миллион дона	16,3	102

Агротехника комплекси тармоқларида план топшириқлари бажарилди ва давлат ресурслари хом ашёсидан асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпай-ди:

1986 йилнинг I кварталда ишлаб чиқарилди	1985 йилнинг I кварталда	нисбатан процент ҳисобида
--	--------------------------	---------------------------

Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани), минг тонна	66	100,0
Қолбаса маҳсулотлари, минг тонна	14,8	103
Мол ёғи, минг тонна	2,5	141
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисобланганда, минг тонна	143,7	106
Маргарин маҳсулоти, минг тонна	8,5	105
Ўсимлик ёғи, минг тонна	136,1	100,7

Нефть, газ, қўмир қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, пўлат, прокат, минерал ўғит, олтингурут кислотаси, тракторлар, трактор қўлтиқаторлари, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, цемент ишлаб чиқариш плани бажарилди.

Халқ истеъмол молларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб адо этилди. Планда ташқари 0,6 миллион дона ички ва устки трикотаж, 0,6 миллион жуфт пайпоқ, 131 минг жуфт пойабзал, 0,2 миллион дона чинни-фаянс идишлар, 0,2 миллион сўмлик мебель ва кўпгина бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Саноат тармоқларини ишлаб чиқаришнинг замонавий воситалари билан таъминлаш давом эттирилди. I кварталда 52 та участка, цех, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, 44 та механизацияланган автомат поток линия ўрнатилди. Ресурсларни тежайдиган янги технологияларни қўлланиш кенгайтирилди. Янги конструкция материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва ишлаб чиқарила бошланди.

Шу билан бирга, айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари I кварталда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, жағмага тушпа планларини, илмий-техникавий программалар юзасидан топшириқларни бажармади.

Химиявий тоғ ва ип, компрессорлар, дизеллар, ип газлама ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Электр техника саноати, Ёнгил саноат, Маҳаллий саноат министрликларининг бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномаларда белгиланган мажбуриятларни бажаришда сезиларли орқад қолганда йўл қўйилди.

Саноат бирлашмалари ва корхоналарининг меҳнат коллективлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ўртага қўйган вазифаларни амалга ошира бориб, мавжуд резервлари 1986 йил плани муваффақиятли бажариш учун сафарбар этилди.



● ТОШКЕНТ чинни заводидаги нақш чизувчилари қорхона маҳсулотининг сифатли ва қўрмил бўлиши учун доимо изланадилар. Чинни буюмлар уларнинг қўлидан ўтгач, ўзига хос жозиба касб этади. Суратда: нақш чизувчилар Соёма Аминова ва Хожинабар Қудратиллаев иш устида. М. Нуриддинов фотоси.

Атеистик мавзуга

«АРОШАН» МУҚАДДАСМИ?

КПССнинг янги тахрирдаги Программасида «...партия диндан жамият ва шахс манфаатларига зарар етказадиган ҳолда фойдаланишга уринишларни қоралайди», дейилган. Дарҳақиқат дин ҳаёда ва турмушда жуда кўп салбий ҳодисаларга, жумладан миллатчилик ҳамда шовинизм кўринишларига йўл очди, иқтисодий ва социал ривожланишнинг заифлаштириши, социалистик турмуш тарзи ва коммунистик ахлоқни қарор топтиришга монелик қилади. Шунинг учун ҳам партия ва давлатимиз диний сарфитлар, қосм урф-одатлар, ярама расм-рўсулларга қарши кураш олиб боради, ҳоҳ «муқаддас» жойлар шаклида бўлсин, ҳоҳ дуохонлик, аъзаимхонлик шаклида бўлсин — техникхўрлик, фирибгарлик, ҳусусий мулкчилик психологиясининг ана шундай номатуб кирдиқорларини аёвсиз фош этади.

Атеистик ишда умумий иборалар, юзани ва сийқа тадбирлардан амалий ишларга ўтиш пайти келиди. Кейинги вақтда Тошкент областида ана шу партиявий даъватга жавобан маълум ишлар амалга оширилди. Масалан, облаstda ҳалигача сақланиб келаётган ва меҳнаткашларга моддий ва маънавий эиён етказибатган «муқаддас» жойларга муносабат масаласини олиб қўйилди. Шундай «табаррук» жойлардан бири Арошан булогидир.

Текин даромад изидан қувган, ижтимоий-фойдали меҳнатдан қочган тоғламанчи шайхлар бу ерга эибратга келганларини минг хил қиёфага кириб аврайдилар. Уларча бу ёр Арошанининг суви — шифобахш бўлиб, унга илхос қўйилган оғир дарддан халос бўлади, кўр қўзлари очилиб, қар қўзқолари тузалиб кетармиш... Баҳор ва ёз ойлари Арошан булогини, айниқса, гавжум бўлади.

Хўш, Арошан булогининг «сирри» нимада? Кейинги вақтда бу муаммо ўзил-кезил ҳал этилди. Мутахассис олимлар бун қуйидагича исботлаб бердилар: маълум бўлишча, Охангарон ясси тоғи тугаб Арошан тизма тоғи бошланган жойдан катта ва узун ер ости ёриги ўтади. Бу ёруннинг Шимоли-Шарқдаги давом Чотқол тоғлари устигача қўзилган. Ана шу ёруғ ўтган ер устига ёққан ёмғир ва қор сувлари анча чуқурликда ўша ёруқча келиб тулланади. Тулланган сув ёруннинг ишлаб томонига, яъни Охангарон ясси тоғи томонига катта босим билан оқнади. Сув ерининг ичкари қатламларига киргани сари ҳарорати кўтарила бошлади. Фанда исботланганидай, ҳар юз метрда ҳарорат 3 градустга ошади, натижада сув исийди, ҳатто қайнади. Шу сабабли Чотқол тоғларида ерга сингиб кетган совуқ сув ҳам 1200—1300 метр чуқурликкача тушиб, ҳарорати 39 градустга етади. Иккинчи сув Охангарон ясси тоғига қийинлашган сари ер юзасига кўтарилади ва ташқарига бўлоқ бўлиб отилади. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳеч қандай сирли-сехрли нарсанинг ўзи йўқ. Фақат бир нарса маълум: Арошан булогининг суви исийи, минерал моддаларга анча бой, таркибда химиявий элементлар мавжуд. Шу сабабли бод ва бошқа баъзи касалликларга қаллиганлар ундан табиий равишда шифо топадилар. Фаннинг ҳеч қачон рад этиб бўлмайдиган

Арошан булогининг қандай баҳолаш мумкин? Музейда техник воситалардан фойдаланилмаётган. Чунки, бундай воситаларнинг ўзи йўқ. Атеизм уйда ҳамон «музейни фалон минг киши келиб кўрди», «мунча лекция ва суҳбатлар ўтказилди» қабилдаги «камраб олиш»лар, ҳавойи рақамлардан нарига ўтмаётган.

Бу ерда ажибий кинозал мавжуд. Аммо ундан атеистик пропаганда мақсадида эмас, баъзи юзани семинар йиғилишлар, ишга ҳам фойдаси тегадиган қуруқдан-қуруқ тадбирларни ўтказиш учун фойдаланилмоқда. Ал-мисокдан қолган атеизм мавзудаги киножурналлар бу ерга ташириб буюрувчиларга ҳеч қандай янгилик берма-япти. Ҳолбуки, янги совет анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари бағишланган киноленталар намойиш этилиб, бу ерда авлодлар уррашувини ташкил қилиш, тажрибани атеистларнинг суҳбатларини уюштириш, қисқаси пойтахт области меҳнаткашларини атеистик руҳда тарбиялашга қучайтириш учун қўлай имкониятлар бор.

Биз «пойтахт областида неча «муқаддас» жойлар мавжуд, улар қаерларда жойлашган, уларнинг характери ўрганилганми?», деган савол билан атеизм уйи мутахассисларига мурожаат қилдик. Афсуски, бу саволга жавоб қолди.

Бугунги кунда партияимиз атеистик тарбияни, ҳукумкорлик билан олиб бориш вазифасини қўймоқда. Демак, республика илмий атеизм уйи раҳбарлари ҳам ҳаёт илгари сураётган ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ўз ишларини қайта қўриб олишлари, бу маскан фаолиятини шу кунги юксак талаблар даражасига қўтаришлари керак.

Э. ҲАЙДАРОВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

НИҲОЛЛАР ОЗИҚЛАНТИРИЛМОҚДА

БРИГАДАМИЗНИНГ экин майдонлари асосан паст-баланд қир-адлардан иборат. Биз съездлар йилида ана шу ерларнинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта ҳосили йиғиштириб олиш учун курашимиз. Бу мажбуриятни бажариш учун ҳамма агротехника тадбирларини ўз муддатида, сифатли ўтказиш керак. Бу ишларни бажариш аса биз — механизаторларга боғлиқ эканлигини ҳам яхши биламиз.

Йил бошидаюқ чигит экишга пухта ҳозирлик кўрдик. Ерларни сифатли тайёрлашга, уруқлини оби-тобида экиб олишга катта эътибор бердик. Шунинг учун ҳам совхозда биринчилар қатори экин ишларини барвақт туғаллашга муваффақ бўлдик. Айни кунларда ҳам бригадамизда дала ишлари қизиган давом этипти. Сувчиларимиз карталарни сув қўйиш учун тайёрлашмоқда. Шу мақсадда учта сув насоси шай қилиб қўйилган.

Қ. РИЗОҚУЛОВ,
Бўқа райондаги «Кремль» совхози механизатори.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДА

ЯНГИЙЎЛ райондаги «Ленинизм» колхозининг Абдумурод Абдумаров бошчилиги қилаётган бригадаси деҳқонлари хўжаликда бригадаларо ташкил этилган мусобақада пешқадамликни қўлдан бермай келди. Улар мавжуд 87 гектар майдонга қисқа фурсат ичида чигит экиб олдилар. Айни пайтда аса дастлабки култивация бошланди.

— Эндиликда мўл ҳосил учун курашнинг янги босқичи бошлади, — дейди бригада бошлиғи, — Чунки биз ҳозир барча имкониятларни ишга солиб, чигитни ернинг табиий наҳига тула ундириб олсак, кейинги агротехника тадбирларини бажариш ҳам қўлай, ҳам сифатли бўлади. Дала ишларини оби-тобида ўтказиш-

да бизга область пахтакорлар Советининг тавсияларини жуда қўл келмоқда. Унда бугунги бажариладиган ишлар жуда тўғри кўрсатиб берилган.

Бригада деҳқонлари съездлар йилида ҳар гектар ердан 31 центнердан пахта

ТАВСИЯЛАР АСОСИДА

Янгиштириб олишга аҳд қилишган.

Р. БЕГАЛИЕВ.

ЯНГИЙЎЛ райондаги «Коммунизм» колхозининг Раҳим Жалолов етакчилиги қилаётган биринчи бригадаси деҳқонлари 238 гектар майдонга экилган чигитни қийғос ундириб олдилар. Шу кунларда ниҳолларни парварши қилишга киришилди. Механизаторлардан Со бир Мамажанов, Манноп Эшонқуловлар карталарга биринчи бўлиб култиваторларни олиб кирдилар. Уларнинг ҳар бири кунига 7—8 гектар майдондаги гўзаларни култивациядан чиқармоқдалар.

Экишга пухта тайёргарлик қўрилганлиги, бороналашнинг сифатли ўтказилганлиги ўзининг самарасини берапти. Нам етарли бўлган кўпгина карталарда чигит қийғос униб чиқмоқда. Механизаторлар Ҳасан Одилов ва Озод Тошевлар култиваторларни созлаб, дастлабки ишлов беришни бошлаб юбордилар.

Бригада деҳқонлари съездлар йилида ҳар гектар ердан 31 центнердан пахта



● ТОШКЕНТ райондаги маҳсулотлари етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Айни кунларда турхонига сархил сабзавот полидтилен плёнкаси остига



да) колхозининг илғор бригадаси Тоҳир Хожиев тажрибали сабзавоткор Мохир Ҳайитова билан редиска ҳосили сифатини кўздан кечирмоқда; (чапда) полидтилен плёнка остига экилган қарам қўчатлари.

А. Абаляев фотолари.